



Номоддий маданий мерос



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization

ichcap

International Information and Networking Centre
for Intangible Cultural Heritage in the Asia-Pacific Region
under the auspices of UNESCO



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



National Commission of Uzbekistan
for UNESCO



Номоддий маданий мерос ва гендер масаласи



© Умемура Ютака



© Саид Озоди



© Фумико Охината

Translator: **Akbar Sultanov**

Proofreader: **Sayidafzal Mallakhanov**

Гендер ўзлигини шаклланиши

Гендерга оид кадриятлар, меъёрлар ва қоидалар жамиятларда, ҳамжамиятларда ва гуруҳларда турфахилдир. Номоддий маданий мероснинг барча кўринишлари бирор бир ҳамжамиятда гендер гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва мавжуд роллар ҳақидаги билим ва меъёрларни ўзида мужассам этиб, уларни келажак авлодга етказди. Шу йўл билан номоддий маданий мерос гендер ўзлиги шаклланадиган махсус муҳит сифатида хизмат қилади. Шу сабабли ҳам номоддий маданий мерос ва гендер ўзлигини шаклланиши бир-бири билан боғлиқ ҳисобланади.

Кўпчилик ҳамжамиятларнинг таом тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ анъанавий урф-одатларида аёллар етакчи мавқени эгаллайди. Бундай урф-одатларнинг марказида оналар ва қизлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатлар туради: қизлар ўзларини оналарини кузатиб, улардан ўрганиб, оналарига муайян бир вазифани бажариш жараёнида қўшилади. Улар бу вазифани аста-секинлик билан такрор ва такрор бажариш орқали ўз бўйинларига оладилар ва шу орқали уларда аёлларга мансублик ҳисси шаклланади.



© UNESCO / Danson Siminyu



© 2008 by Ministry of Culture – Photograph: Iris Biskupic Basic



© 2008 by Ministry of Culture – Photograph: Iris Biskupic Basic

Туялар Уммондаги бадавийлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий тадбирларнинг ва байрамларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Туячиликка оид хунарлар билан шуғулланувчи аёллар ва эркаклар буюм ва анжомларни ишлаб чиқаришда қуйидагича иштирок этадилар: аёллар кўпинча тўқилган муҳсулотларни яратса, эркаклар ёғоч ўймакорлиги ва кумуш буюмларни яшаш билан шуғулланади. Шунга ўхшаш меҳнат тақсимоти Хорват Загорьесида яшовчи қишлоқ аҳолиси ўртасида анъанавий ёғоч ўйинчоқларни яшаш жараёнида ҳам кузатилади. Бу қишлоқ аҳолиси вакиллари оила ичида авлоддан-авлодга ўтиб келадиган махсус услубларни кўллайди. Эркаклар тол, жўка, қора қайин ва заранг дарахтларини йиғади, кейин эса анъанавий асбоб-ускуналар ёрдамида уларни кесади, бўлақларга бўлади ва улардан ўйинчоқлар ясайди. Аёллар эса бу ўйинчоқларни ўзига хос ўсимликсимон ва геометрик нақшлар билан безайди, уларни ўзларининг “тасаввурлари асосида” бўйяди.

Номоддий маданий мероснинг айрим турлари билан шуғулланиш ёхуд улардаги иштирок гендер билан белгиланади. Мисол учун анъанавий хунар турлари кўпинча аниқ бир меҳнат тақсимотига таянади ва уларда ўзаро ролларни тўлдириш ҳамда гендерга асосланган роллар кузатилади.

Бошқа томондан эса, ижтимоий удумлар, байрамлар ва ижрочилик санъати турлари муайян бир ҳамжамиятда мавжуд муаммоларни ва нотўғри ижтимоий тушунчаларни (хусусан гендер роллари ва/ёки гендер тенгсизлиги билан боғлиқ саволларни) кўтариб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мисол учун, карнавал билан боғлиқ тадбир ва томошаларда ижрочилар гендер роллари билан алмашади, гоҳида ҳаттоки улардан четга ҳам чиқиб кетади. Шу тариқа ҳамжамиятлар гендер роллари ҳақидаги хабардорликни оширишга, ушбу масалани англашда кўмаклашишга, гоҳида мавжуд гендер нормаларини сўроққа тутишга имкон берадиган ўзига хос муҳит яратадилар.

Гендер роллари ва муносабатларининг шаклланиши

Одамлар гендер ролларини ёшлигидан ўзлаштиради ва уларга ўрганади. Лекин, гендер роллари турғун эмас. Номоддий маданий мерос каби, улар кўпинча ўзгаради ва янги шароитларга мослашади. Вақт ўтиши билан жамиятлар гендер роллари ва нормалари ҳақида “музокара” олиб борадилар. Бунинг натижасида, олдин фақатгина бир гендер гуруҳининг қўл остида бўлган удумлар бошқа гендер гуруҳлари иштироқи учун ҳам йўл очиб беради.

Номоддий маданий мерос гендерга оид қадриятлар ва нормаларни яратилишида, тарқалишида ва уларнинг ўзгариб боришида муҳим роль ўйнайди. Мавжуд урф-одатни ва удумни ўзгартиришга ундайдиган омил прагматик қарашдан келиб чиқиши мумкин, мисол учун, муайян бир ҳавфга жавобни топиш истаги. Яна бир ўзгаришларни амалга оширишга ундовчи омил бу инсон ҳуқуқларига риоя қилишга асосланган ёндашув бўлиши мумкин, мисол учун, тенг имкониятларни яратиш истаги. Бир томондан гендер нормалари номоддий маданий меросни бериб борилиши жараёнига таъсир қилса, иккинчи томондан номоддий маданий мероснинг ўзи гендер нормаларга таъсир қилади.



© Umemura Yutaka

Вьетнамда ўтказиладиган Чау ван маросимидаги шомонлар кўшиғида гендер роллари ўзаро алмашган - аёл-медиумлар одатда эркакларга тааллуқли ролларни ижро этади, уларнинг кийимини кияди, хатти-ҳаракатини такрорлайди ва аксинча. Худди шу сингари, Япониянинг анъанавий театр тури ҳисобланадиган Кабукида, аёллар ролларини ижро этадиган эркак актёрлар “оннагата” (“аёллар услуби”) деб номланади. Бошқа икки ижро этиш усуллари эса “арагото” (“кўпол услуб”) ва “вагото” (“юмшок, ҳамоҳанг услуб”) деб юритилади. Ушбу ролларнинг ўзига хос жиҳати эркак ва аёлларга тақсимлайдиган мавжуд бинар гендер тизимини шубҳа остига олиш имкониятида намоён бўлади, чунки бундай ролларда гендерга оид ноаниқлик ҳамда гендер ролларидан четга чиқиб кетиш ҳолати кузатилади. Кабуки томошаларида тарихий ҳодисалар, юрак ичида кечаётган можаролар ҳақида сўз боради. Ҳозирги кунда Кабуки анъанавий услубдаги энг машҳур Япон драма тури ҳисобланади.



© Umemura Yutaka

Шунинг учун ҳам гендер нормалари ва номоддий маданий мерос ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Гендер билан боғлиқ ўзгаришларнинг яна бир омили бу музокара жараёнидаги самарали иштирок ҳамда таъсирни ким ўтказиши масалалари билан боғлиқ. Номоддий маданий меросни бериб бориш ва уни муҳофаза қилиш ҳақидаги қарор бўшлиқ шароитида қабул қилинмайди. У гендер ҳамда ҳокимият муносабатларини ўзида мужассамлаштирган кенг қўламли тизим доирасида амалга ошади. Бу тизим доирасидаги нормалар ва ўзаро муносабатлар хатти-ҳаракатларни, ўзаро муносабатларни ҳамда музокара жараёнларини белгилаб беради. Ҳамжамият ичида кенг қамровли иштирокни таъминлаш мақсадида ҳамда ҳокимият муносабатларида мувозанатга эришиш йўлида бундай нормалар тез-тез шубҳа остига олинади.

Чаттиста Кипр давлатидаги ўзига хос “шеърятга асосланган дуэль” шакли бўлиб, унда бир шоир-ашулачи бошқасидан бадиҳани ҳамда оғзаки шеърятни мохирона қўллаш орқали устун келишга ҳаракат қилади. Чаттиста ўзоқ вақтдан бери тўй базмларининг, ҳар хил ярмаркаларнинг ва бошқа жамоатчилик тантаналарининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Бундай гадбирларда иштирок этаётган оламон шоир-ашулачиларни ўзларининг чиқишлари билан иштирок этишларини талаб қилади. Анъанага кўра фақатгина эркаклар ўзларининг Чаттистага оид билим ва кўникмаларини оғзаки тарзда бериб борганлар. Ҳозирги кунга келиб Чаттистада аёл-шоиралар иштирок этишни бошлади.



© 2003 Larnaca Municipality – Photograph: Andreas Larkos



© 2003 Larnaca Municipality – Photograph: Andreas Larkos



Гендер роллари Наққоли санъати билан боғлиқ билим ва кўникмаларни бериб боришда ўзгариб борди. Наққоли Эроннинг энг қадимги драма санъати тури бўлиб, у жамиятнинг барча қатламлари ҳаётида муҳим ўринни эгаллаб келади. Айни пайтда, наққол аёллар эркак ва аёллардан иборат томошабинлар олдида ўзларини санъатларини ижро этади. Бу эса Эрон учун ғайриодатий ҳолат ҳисобланади, чунки анъанага кўра аёллар фақатгина аёллар даврасида (якка ҳолда) ўзларини санъатини намоиш қилиб келган. Яқин ўтмишда наққоллар Эрон халқ ривоятларини, достонларини ҳамда удумларини сақлаб келган энг муҳим шахслар сифатида эътироф этилган ва шу сабабли улар алоҳида ижтимоий мавқега эга бўлган. Эндиликда эса Наққоли санъати билан аёллар ҳам шуғуллана олади.

Гендер ҳақидаги турфахил қарашлар

Номоддий маданий мерос турли жамиятларда турличадир. Шундай экан, гендер ҳақидаги қарашлар ҳам турфахил бўлиши мумкин. Гендер ҳақида ягона, универсал ёки глобал тушунча ёки қараш мавжуд эмас. Бундан ташқари, гендер роллари ва қадриятлари айнан ҳамжамият нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши ва кўриб чиқилиши лозим. Мисол учун, Шимолий Америкада яшовчи баъзи маҳаллий қабилалар еттигача гендер гуруҳларини тан олади. Буларга трансгендерлар ва икки

рухли одамлар ҳам киради.

Ҳозирги кунда қатор Европа ва Осиё жамиятларида уч ва ундан ортиқ гендер гуруҳлари тан олинади. Кўпгина ҳолларда одамнинг ёши ва жинси ўзаро узвий боғлиқдир. Мисол учун, болалар ҳуққатвори билан боғлиқ гендер нормалари ва қоидалари ўспиринлар ва катталарга нисбатан қўлланиладиган гендер нормалари ва қоидаларидан фарқ қилади. Гендер роллари ва қадриятлари жамиятда ривожланиб борган сари номоддий маданий мерос удумлари ҳам ўзгаради ва мослашиб боради.

Гендер тенглиги

Ҳамжамиятларда гендер муносабатлари ривожлангани сари, номоддий маданий мерос билан шуғулланиш орқали гендер тенглига эришиш ҳамда гендер асосида камситишни бартараф қилиш учун имкониятлар яратилади. Тенглик ва камситилмаслик инсон ҳуқуқларининг энг муҳим тамойиллари ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан қаралганда, гендер тенглиги ва номоддий маданий мерос масаласини кўриб чиқаётганда урғу гендер роллари ўртасидаги тафовутларга эмас, балки бу каби тафовутлар номоддий маданий мерос билан шуғулланувчи инсонларнинг қадр-қимматидан ва фаровонлигидан маҳрум қилинганлиги ёки йўқми, шунга берилади. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси анъанавий маданий муносабатларга, қарашларга ва урф-одатларга, ёхуд эркак ва аёлларга белгиланган ролларга муаммо сифатида қарамайди. Аслида Конвенция учун муаммо улар туфайли келиб чиқаётган конкрет салбий оқибатлардир. Мисол учун, аёллар ҳақидаги стереотип қарашларни қўллаш уларни ҳуқуқларидан маҳрум қилинишига олиб келиши ёки уларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Шу сабабли, бошқа гендер гуруҳини ўзига бўйсундириш ва камситиш ғояларини ўзида мужассам этган ёки бунга кўмак берадиган анъанавий маданий урф-одатларнинг ўзига хослигини “сақлаб қолиш” билан боғлиқ иддаоларни қанчалик асосли эканлигини шубҳа остига олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу иддаоларни кўриб чиқаётганда бу каби анъанавий урф-одатлар туфайли зарар кўриши мумкин бўлган шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини инобатга олиш керак. Шубҳасиз, айрим урф-одатлар ҳеч қачон инсон ҳуқуқлари нуқтаи

назаридан тан олинмайди. Шу билан бирга, кўпчиликни ташкил қиладиган яна шундай урф-одатлар ҳам борки, улар “ноаниқлик зонасида” жойлашган. Бундай урф-одатларнинг зарар кўламини аниқлаш жуда ҳам мушкул ҳисобланади.

Шу муносабат билан нозик савол пайдо бўлиши мумкин: ким ва қачон у ёки бу маданий урф-одатнинг зарар кўламини аниқлаш жараёнида иштирок этиши керак? Камситишга йўл қўймаслик тамойилига амал қилган ҳолда ҳамда жамиятнинг манфаатларини ҳисобга олиб, барча манфаатдор томонларни, шу жумладан маргинал гуруҳларни ва/ёки гендери сабабли камситилаётган гуруҳларни жалб қилиш керак. Бошқа томондан, шу гуруҳларнинг ўзи ҳам бу каби камситишга олиб келувчи урф-одатларни юзага келишида ёрдам бериши ёки кўмаклашиши мумкин. Кўпчинча бу нарса урф-одатнинг ижтимоий функцияси билан боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида гендер динамикаси жараёнларини тушуниш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Шунинг учун урф-одатнинг бирор бир жиҳати инсон ҳуқуқларига зид бўлсада, у параллел равишда муҳим бир ижтимоий функция сифатида хизмат қилаётган бўлиши ҳам мумкин.



Кениядаги Маенделео Я Ванаваке номли аёллар ташкилоти қизлар хатнасини ўз ичига олган бағишлов маросимлари мавжуд бўлган ҳамжамиятлар билан иш олиб борди. У ҳамжамиятларга муқобил бағишлов маросимини яратишда ёрдам берди. Бу аёллар ташкилоти мажбур удумни ўзгартиришда ёрдам берадиган маълумотларни тўплаш учун оналар, оталар, қизлар ҳамда ҳамжамият етакчилари билан қатор учрашувлар ўтказди. Натижада анъанавий бағишлов маросимига оид барча хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, лекин хатна жараёнини ўз ичига олмаган муқобил маросим яратилди. Ушбу маросим “Нтанира на Мугамбо”, яъни “Сўзлар ёрдамида хатна қилиш” номи остида танилди. Бу муқобил маросим биринчи бор Кениянинг Меру шаҳрида ўтказилганида, унда фақатгина 12 та оила ҳамда 30 та қиз иштирок этди. Ҳамжамиятдаги кўпчилик одамлар янги маросимга шубҳа билан қаради ва у узок вақт сақланиб қолмайди деб ўйлади. Аммо бу маросим ўзига катта эътиборни жалб қилди ва бироз вақтдан сўнг Маенделео Я Ванаваке номига ҳар хил шахслардан ва гуруҳлардан бу маросимни ўтказиб бериш бўйича таклифлар келди. Бунинг натижасида, бир йилнинг ўзида Меру шаҳрининг 11 та аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи 200 га яқин оилалар муқобил бағишлов маросимида иштирок этди.¹

Номоддий маданий меросда гендер асосида камситиш ҳақида сўз бораётганда, ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш керак. Урф-одат билан фақатгина у ёки бу гендер гуруҳи шуғулланганлиги туфайли уни инкор қилиш мумкин деган жуда юзаки қараш шаклланишига йўл қўймаслик лозим. Аслида дунёнинг кўпчилиги жамиятларида жуда ҳам кўп ижтимоий ва маданий урф-одатлар сегрегацияланган (ёш, жинс ва бошқа мезонлар асосида). Аммо бунинг ўзи камситиш юз бераётганлигининг аломати сифатида тушунилиши керак эмас. Фақатгина гендер таҳлили ўтказиш орқали ҳамжамиятлар ўзларининг номоддий

маданий мерослари (яъни удуми, маросими, оғзаки урф-одати) камситувчи жиҳати борлигини ёки йўқлигини аниқлай олади.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенциясида (бундан кейин “Конвенция” деб юритилади) инсон ҳуқуқлари тамойилларига содиқлик аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Унда фақатгина инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган номоддий маданий меросгина Конвенция доирасида кўриб чиқилиши мумкин деб таъкидланади (2.1 модда).

1. Maendeleo Ya Wanawake Organization. 2002. Evaluating Efforts to Eliminate the Practice of Female Genital Mutilation. Raising Awareness and Changing Harmful Norms in Kenya, Washington DC: PATH.

Мерос муҳофазасида гендерга оид масалалар

Гендер муносабатлари ва номоддий маданий мерос ўртасидаги узвий боғлиқликни тушуниб етиш самарали муҳофаза йўлида янги имкониятларни очиши мумкин. Шу жиҳатдан, муҳофаза ишларида ҳамжамиятнинг марказий аҳамиятга эга эканлигига урғу бериш жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Ҳамжамиятлар ва гуруҳлар фақатгина бир гендер гуруҳидан ташкил топмаганлиги сабабли, гендер масалаларига тегишли эътибор берган ҳолда улардаги барча иштирокчиларни аниқлаш ҳамда уларнинг конкрет номоддий маданий меросдаги ролини тушуниб етиш лозим. Акс ҳолда мероснинг самарали муҳофазасини амалга ошириш йўлидаги имкониятлар кўзга ташланмаслиги ёки уларга эҳтиёж сезилмаслиги мумкин.

Гендер ва номоддий маданий мерос мураккаб йўл билан ўзаро алоқада бўлади. Шунинг учун ҳам меросни муҳофазасига оид ёндашувлар гендер муносабатларига таъсир ўтказа олиш қобилиятига эга, ҳамжамиятларнинг, уларнинг аъзоларини ёки кичик гуруҳларини мавқеларини ошириши ёки пасайтириши мумкин, уларни тан олинмиш ёки олинмаслигига қўмаклашиши мумкин.

Конвенция миллий ва халқаро миқёсда муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирларни кўзда тутди. Миллий миқёсда бу чора-тадбирлар номоддий маданий меросни аниқлашни ва инвентаризация қилишни, институционал ҳамда норматив-ҳуқуқий асос яратишни, муҳофаза режаларини ишлаб чиқишни, тадқиқотлар ўтказишни, хабардорликни оширишга қаратилган ҳамда таълимга оид тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади. Халқаро миқёсда иштирокчи давлатлар ўзларининг номоддий маданий меросларини муҳофаза қилиш учун ёрдам сўрашлари, объектлари бўйича номзодлик ҳужжатларни номоддий маданий мерос

рўйхатларига қўшиш учун топширишлари мумкин. Бундан ташқари давлатлар ўзларининг тақлифларини номоддий маданий мерос муҳофазасига оид энг яхши тажрибалар реестрига киритишлари мумкин.

Мероснинг мансублилигини аниқлашда гендерга оид масалалар

Конвенцияни бажаришда учрайдиган энг асосий муаммолардан бири бу аёлларнинг номоддий маданий меросни яратишдаги ва муҳофазасидаги ҳиссасининг кўзга ташланмаслиги ҳисобланади. Ҳудди шу нарса жамиятнинг маргинал аъзоларига таалукли, чунки уларнинг ҳиссаси камдан-кам ҳолларда миллий ёки халқаро миқёсда тан олинади.² Баъзан маргинал гендер гуруҳларининг номоддий маданий меросини рўёбга чиқаришга имкон берадиган ижтимоий муҳит жамият томонидан бу каби гуруҳлар фаолият олиб бориши руҳсат берилган ягона муҳит бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам агар номоддий маданий меросни аниқлашда гендерга таалукли нотўғри тушунчалар миллий миқёсда мавжуд бўлса, у ҳолда баъзи гендер гуруҳларининг мероси инobatга олинмаслиги хавфи келиб чиқиши мумкин.

Австралиянинг абориген аёллари томонидан яратилган ва оғзаки тарихга бағишланган лойиҳаси (Вааньи аёлларининг тарихий лойиҳаси) ўз эътиборини Вааньи аёлларининг меросини тан олинмишига ҳамда меросни аниқлашда ва бошқаришда юзага келадиган гендерга таалукли нотўғри қарашларни бартараф этишга қаратган. Вааньи аёллари ҳукумат режаларида ўзларининг меросига таалукли масалаларга кераклича эътибор берилмаган деб хулосага келдилар ва меросларининг келажаги юзасидан музокаралар давомида ўзларининг фикр-мулоҳазалари инobatга олинмиши учун муайян мезонларни ишлаб чиқдилар. Натижада ўзларининг меросларини ҳукумат томонидан тан олинмишига эришдилар.³

2. Document ITH/13/8COM/INF.5.c.

3. Smith, L., Morgan, A. and van der Meer, A. 2003. Community-driven Research in Cultural Heritage Management: The Waanyi Women's History Project. International Journal of Heritage Studies, Vol. 9, No. 1.



Инвентаризация жараёнида гендерга оид масалалар

Худди шу сингари, номоддий маданий меросни инвентаризация қилиш жараёнида ҳамда керакли тадқиқот ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошириш чоғида, аёлларнинг ва маргинал гуруҳларнинг номоддий маданий меросга қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотни яшириш ёки бузиб кўрсатиш хавфи мавжуд. Конвенцияга мувофиқ, номоддий маданий меросни инвентаризацияси барча манфаатдор томонларнинг тўлиқ иштирокида амалга оширилиши керак. Шунинг учун ҳамжамият миқёсида инвентаризация ишини ўргатишда ҳамда инвентаризацияга кўмак беришда ҳамжамият аъзолари гендер нуқтаи назаридан қанчалик қамраб олинганлигини ҳисобга олиш лозим. Бунинг натижасида кўпроқ номоддий маданий объектларини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг натижасида меросни келажак авлодларга бериб бориш ва меросни сақлаш асосида ётувчи гендерга асосланган муайян тахминлар кўзга ташланиши мумкин.

Мерос муҳофазасига оид режаларда гендерга тааллуқли масалалар

Муҳофаза режаларини ишлаб чиқиш ҳал қилувчи омил ҳисобланади, чунки у номоддий маданий мерос объектнинг келажигига таъсир қилади. Ҳамжамиятлар у ёки бу урф-одатнинг аҳамияти ва маъноси, унга хавф солаётган хатарлар, уларни баргараф қилиш учун қўлланиладиган стратегиялар ва чоралар, керакли молиявий ресурслар ҳақида фикр юритадилар. Ушбу жараён ҳамжамиятнинг барча аъзоси учун бирдек манфаатли бўлиши учун турли хил гендер ва ёш гуруҳларининг фикрлари инобатга олинishi керак. Биринчи навбатда ҳамжамиятларнинг ўзлари гендер ҳақидаги тушунчасини шакллантириши ва у қандай қилиб уларнинг мероси билан боғлиқ эканлигини тушуниб етишлари лозим.

Давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, академик ташкилотлар ва илм аҳли меросни муҳофазасида гендер масалалари юзасидан ўзларининг фикрларини айтишлари ва методологик билимлари билан бўлишишлари мумкин. Бундан ташқари, ҳамжамият аъзолари ва унга таалуқли бўлмаган шахслар томонидан самарали муҳофаза режасини ишлаб чиқишга ҳисса қўшувчи турли омилларнинг (шу жумладан муайян гендер гуруҳи ролининг) тан олинishi жуда муҳимдир.

Сиёсатни ишлаб чиқишда гендерга оид масалалар

Номоддий маданий мерос соҳасидаги сиёсат гендер ва номоддий мероснинг ўзаро алоқасига таяниши учун, мерос муҳофазаси бўйича сиёсат ишлаб чиқаётганда барча томонларнинг, жумладан тегишли гендер гуруҳларининг иштироки таъминланиши лозим. Бу вазифани бажарилишини фақатгина ҳамжамиятнинг баъзи аъзоларига, ташқи экспертларга ёки давлат ташкилотларига топшириш хавфлидир. Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид сиёсат инсон ҳуқуқлари (жумладан гендер тенглиги) тамойилларини мустаҳкамлайдиган, барқарор ривожланишга ҳамда ўзаро ҳурматни кучайтиришга кўмаклашадиган чора-тадбирларни қамраб олиш керак. Бундан ташқари, хабардорликни оширишга қаратилган чора-тадбирларда “сиёсий, ижтимоий, этник, диний, лингвистик ва жинсий камситишнинг ҳар қандай шакли оқланмаслиги” қафолатланиши керак (Оператив йўриқнома, 102 банд). Гендер тенглигига таалуқли халқаро ҳужжатлар, жумладан Хотин-қизларни камситишнинг



© 2013 Agency for Cultural Affairs



© 2012 By Firoz Mahmud – Photograph: Mursid Anwar

барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси ва унинг Факультатив протоколи⁴ фойдали ахборот манбалари сифатида хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, ишлаб чиқиладиган сиёсат кенгайроқли ва самарали бўлиши учун, давлатда мавжуд гендерга оид урф-одатларнинг барча кўринишлари инобатга олинishi керак.

4. Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination Against Women and its Optional Protocol, see: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CEDAW/Pages/CEDAWIndex.aspx>.

Халқаро мерос рўйхатларига объектни қўшишда гендерга оид масалалар

Сўнги ўнйилликда Хукуматлараро кўмитанинг номоддий маданий мерос объектларини Халқаро мерос рўйхатларига қўшишга оид кўпчилик муҳокама ва қарорларида гендер масалаларига тез-тез эътибор берилиб келинмоқда. Гендер роллари ҳақидаги маълумотлар баъзи иштирокчи давлатларнинг номзодлик ҳужжатларида учрашига қарамасдан, маслаҳат берувчи органлар гендер роллари қолган кўпчилик ҳужжатларда етарли даражада эслатиб ўтилмаганлигидан ўз ҳавотирини билдирди. Бундан ташқари маслаҳат органлари турли хил иштирокчилар ва уларнинг у ёки бу номоддий маданий меросда тутган ўрни ҳақидаги маълумотни беришга ва бунда гендер масалаларига кераклича эътибор қаратишга чақирди.⁵

Гендер масалаларининг ҳисобга олиниши ва уларнинг биринчи ўринга чиқарилиши

Конвенцияда гендер ҳақида аниқ айтиб ўтилмаган бўлсада, бошқарув органлари бу масалага катта эътибор берди.⁶ Улар давлатлардан халқаро номоддий маданий мерос рўйхатларига киритилган объектларининг аҳволи ҳақидаги маълумотларни тақдим қилишда “гендер ролига алоҳида эътибор беришни” талаб қилди. Уларнинг илтимоси ва талабига биноан ҳозирда халқаро ҳамкорлик механизмлари га тааллуқли барча ариза шакллари ва йўриқномаларида ҳамда иштирокчи давлатларнинг Конвенция бажарилиши юзасидан даврий ҳисоботларида гендер масаласига тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари Конвенцияни бажаришга оид Оператив йўриқномага ҳам тегишли

ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, Конвенцияни бажаришга йўналтирилган ЮНЕСКОнинг салоҳиятни ошириш бўйича глобал дастури мерос муҳофазасида гендер омилларини инобатга олувчи ёндашувлар бўйича ўқитишни ҳамда бу йўналишда сиёсат ишлаб чиқишга маслаҳат беришни кўзда тутди.

Гендер ва номоддий маданий мерос ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш самарали муҳофазани йўлга қўйишда муҳим ҳисобланади ва бу икки сабаб билан боғлиқ: бу меросни сақлашда янги имкониятларни очиши мумкин; бу гендер тенглигига эришиш йўлида босилаётган қадамларга кўмак бериши мумкин. Шунинг учун, мерос муҳофазасида гендер масаласини биринчи ўринга чиқариш бу нафақат имконият, балки бурчдир.

Хотин-қизлар масалалари бўйича Миллий кенгаш Миср халқ анъаналари жамиятига Талли каштачилик санъатини ҳужжатлаштиришни таклиф қилди ҳамда уни сақлаб қолиш мақсадида Юқори Мисрда яшовчи аёлларни ўқитиш вазифасини юклади. Биринчи ўқув дастурида 300 га яқин аёл иштирок этди ва бунинг кетидан иккинчиси ташкил этилди. Аёлларнинг бу санъат тури билан шуғулланишга кўрсатган жуда катта қизиқиши ушбу номоддий маданий мерос шаклини қайта тикланишига олиб келди.

5. Document ITH/13/8COM/7.

6. Decision 9.COM 13.a in Document ITH/14/9COM/Decisions.







Номодий маданий мерос



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization

ichcap

International Information and Networking Centre
for Intangible Cultural Heritage in the Asia-Pacific Region
under the auspices of UNESCO



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



National Commission of Uzbekistan
for UNESCO

The designations employed and the presentation of material throughout this publication do not imply the expression of any opinion whatsoever on the part of UNESCO concerning the legal status of any country, territory, city or area or of its authorities, or the delimitation of its frontiers or boundaries. The authors are responsible for the choice and the presentation of the facts contained in this book and for the opinions expressed therein, which are not necessarily those of UNESCO and do not commit the Organization.

The present translation has been prepared under the responsibility of the International Information and Networking Centre for Intangible Cultural Heritage in the Asia-Pacific Region under the auspices of UNESCO (ICHCAP) and National Commission of Uzbekistan for UNESCO.